

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
 1 июлдан
 чиқ бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ № 162 (9.965) 2003 ЙИЛ 19 АВГУСТ

ПОЙТАХТНИНГ БИР КҮНИ
 Янгиликлар, воқеалар

ҚИСҚА САТРАЛДАР

□ БУГУН «Бунёдкор» ёшлар телеклубида Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Тошкент шаҳар бўлими ташаббуси билан август, сентябрда шахримизда ўтадиган «Севимли шахрим» руқни остидаги тадбир ва кўрик-танловларнинг тақдироти ва матбуот анжумани ўтказилди.

□ БУГУН «Лазоқат» гўзаллик салоҳида анъанавий «Эркалар соч турмаклари» кўрик-танлови бўлиб ўтди. Унда пойтахтимизнинг моҳир сартарошлари голиблик учун ўзаро куч синашдилар. Голиб сартарошлар «Тошшаҳармишйиҳизмат» уюшмасининг махсус дипломи билан тақдирландилар.

□ КЕЧА Юнусовд туман ҳокимлиги ва хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан «Нуронийлар» оромгоҳида «Мустақиллик муборак» деб номланган маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

□ БУГУН шахримиздаги банклар ходимлари ишторида ўтказилган тадбир «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси — фуқаролик жамияти қуришимизнинг ҳуқуқий замини» деб номланди.

□ «КАМОЛОТ» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгашида «Камолот»нинг куйи бўғинлари фаолиятига бағишланган ҳисобот йиғилиши бўлиб ўтди. Унда асосан жорий йилнинг олти ойи давомида бажарилган ишлар ва келгуси режалар муҳокама қилинди.

□ ҒАҒУР Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғида Истиклол айёми тантаналарига тайёргарлик кўраётган Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ҳамда барча вилоятлардан таширф буюрган бадиий-ҳаваскорлик жамоаларининг концерти бўлиб ўтди.

□ «ИНТЕРКОНТИНЕНТАЛЬ» меҳмонхонасида расомлар Мухторхон Исанов ва Абдулхамид Каримов томонидан яратилган асарлар кўргазмаси пойтахтликларга намойиш этила бошланди. Мазкур кўргазма 15 сентябргача давом этади.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларинан.



ДОВОН ОШГАНЛАР ДОВОНДА УЧРАШДИ

Мамлакатимиз Мустақиллигининг 12 йиллик байрами арафасида ижодкорлар — шоир ва ёзувчилар, санъаткорлар юртимиз бўйлаб сафарга чиқиб, халқимиз ҳаёти, ўй-фикрлари, жойларда амалга оширилаётган кенг миқёсдаги ислохотлар жараёни, бунёдкорлик ишлари билан яқиндан танишмоқда. Меҳнаткашлар билан учрашувлар, мулоқотлар ўтказяпти. Шу кунга қадар Қашқадарё, Сурхондарё, Хоразм вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида шундай учрашувлар бўлиб ўтди.



Бу гал ижодкорлар йўлсозлар ҳузурига, Қамчик довоғида отланди.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, йўлларни таъмирлашга, янги йўللار қуришга алоҳида эътибор қаратилди. Юртбошимизнинг бевосита раҳнамоллигида бу борада мислсиз ишлар амалга оширилди.

Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси раиси Абдулла Орипов бошчилигидаги адиблар дастлаб пойтахтимизда, Кичик халқа йўлида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишди.

Ижодкорлар Ангрэн йўллардан мунтазам фойдаланиш бошқармасида очилган «Немис технологиялари маркази»да бўлди. Бу ерда мамлакатимизнинг барча ҳудудидан келган йўлсозлар малака оширади. Уларга германиялик етук мутахассислар геодезия, лойиҳалаш, замонавий технологияларни бошқариш юзасидан сабоқ бермоқда.

Ижодкорлар тушган автобус довоғига ўрлайди. Йўлнинг энг юксак чўққиси денгиз сатҳидан 2268 метр баландликдан ўтган. Кафтдек текис йўл, виқорли тоғлар, пойингиздаги мовий кўл, кўм-кўк арчалар тароватига қараб тўймайди киши.

Довон йўли. Бу йўл илгари ҳам одамларга хизмат қилиб келган. Шарқ ва Ғарби боғлаган. Аммо унинг ҳақиқий қиёфаси мустақиллик йилларидагина намён бўлди. Фарғона водийсини Тошкент билан боғлайдиган энсиз, қиш ойларидан хатто ёпилиб қоладиган тоғ йўлларини жаҳон андозлари даражасига етказиш масаласи 1996 йили кун тартибига қўйилган эди. Қисқа муддатда мавжуд йўлни қайта таъмирлаш ва Қамчик ҳамда Резак довоғларни тағирдан туннеллар ўтказиш лойиҳаси ишлаб чиқилди. 1997 йилдан эса амалий ишлар бошланди. Вазифа уч йилда удаланди. Транспорт қатнови тўхтатилмасдан йўл кенгайтирилди. Умумий узунлиги 2484 метр бўлган тўртта туннель қазилди.

Мамлакатимиз Президенти Ислоҳ Каримов Тошкент — Ўш автомобиль йўлининг Қамчик ва Резак довоғларидаги туннеллар қурилиши қатнашчиларига йўллар табриғида ушбу йўл Буюк Ипак йўлининг муҳим бўғини, кўпала халқларни бир-бирига яқинлаштирувчи дўстлик ва биродарлик, тинчлик ва ҳамкорлик йўли бўлиб қолишини алоҳида таъкидлаган эди.

Ижодкорларни ер ости йўли дарвозаси олдида Фарғона водийси ва пойтахт вилояти меҳнаткашларининг вакиллари, йўлсозлар кутиб олди. Улар Қамчик ва Резак туннелларини кўздан кечирди, йўлсозлар, ишчилар, мутахассислар, муҳандис-лойиҳачиларнинг мардонавор меҳнати билан танишди, улар билан дилдан сўхбатлашди.

Учрашувда сўзга чиққанлар, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов таъбири билан айтганда, мамлакатимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишларининг Бош муҳандиси Ислоҳ Каримов юритаётган оқилона, одилона сиёсат тўғрисида мамлакатимизда буюк ўзгаришлар юз берганини бу жараёнда йўлсозларнинг ҳам салмоқли хизмати борлигини таъкидлади. Ўзбекистон халқ шоири Тўлан Низомнинг «Довон» достонида замонамиз қаҳрамонлари — йўлсозлар меҳнати тараннум этилган.

— Ўзбек йўлсозлари билан биргаликда шундай улкан қурилишда иштирок этётганимиздан, Тошкент — Ўш йўли қурилишида бизнинг ҳам ҳиссамиз борлигидан жуда мамнунмиз, — дейди германиялик профессор Хост Лиллиенблом. — Биз икки улкан лойиҳа бўйича ҳамкорлик қилдик. Биринчиси — Тошкент — Ўш автомагистралини қайта таъмирлаш эди. Иккинчи лойиҳамиз эса Тошкент — Самарқанд йўлини таъмирлашга қаратилган. Президент Ислоҳ Каримовнинг Буюк Ипак йўлини қайта тиклашга бел боғлагани ва бу борада жуда улкан ишларни амалга ошираётгани қувонarliдир. Чунки бу йўл муҳим стратегик аҳамиятга эга бўлиб, Европа ва Осиёни бир-бирига боғлайди.

Жуманиёз Жабборов, Нормурод Нарзуллаев, Ҳабиб Саъдулла, Тўлан Низом, Сирожиддин Сайиди каби таниқли шоирларнинг она-Ватан, истиқлол, бунёдкорлик ҳақидаги шеърлари, самимий сўхбатлар йиғилганларга манзур бўлди. Йўлсозлар бундай учрашувлар уларни янги-янги меҳнат зафарларида чорлашини таъкидлади.

Тадбирларда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов, Бош вазир ўринбосари Р.Юнусов иштирок этди.

Воҳид ЛУҚМОНОВ,
 ЎЗА мухбири.

ХХҲ сағоси
 Барча мабалардан олинган сўғити хабарлар

Мамлакатимизда

- Республика кўз касалликлари клиник шифохонасида витреоретинал жаррохлик масалаларига бағишланган илмий семинар бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиз кўз касалликлари шифокорлари ҳамда хорижий мутахассислар иштирок этди.
- Қарши шаҳрида АҚШнинг IREX Халқаро илмий-тадқиқотлар ва олимларни айирбошлаш Кенгашининг «Ўзбекистон мактабларида Интернет» дастури тақдироти бўлиб ўтди. Дастурнинг мақсади мактаб ўқувчиларида мустақил фикрлаш қобилиятини ўстириш ва дарслардаги фаоллигини оширишда янги технологияларни қўллашнинг ривожлантиришдан иборат.
- Мамлакатимиз Мустақиллигининг 12 йиллигига тўхфа сифатида «ЎзДЭУавто» қўшма корхонаси автомобилсозлари янги модель — «Лазеттини» тайёрлашмоқда. Автоматик узатиш қутисига эга «Матиз»нинг ишлаб чиқарилиши эса яна бир байрам совғаси бўлади.
- Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 12 йиллик байрами арафасида Эллиққалъа туманидаги Фани Одилов номидаги коммунал ширкат ҳўжалиғида ёзги спорт мажмуи фойдаланишга топширилди.
- Навоий шаҳридаги «Гулзор» маҳалласида футбол, волейбол ва баскетбол майдонлари мавжуд бўлган янги спорт мажмуаси болалар ихтиёрига топширилди.
- Наманган вилоят Халқ истеъмоли моллари марказида куз-қиш мавсуми кийим ва пойабзаллари ярмаркаси очилди. Улгуржи-чакана ярмаркада 24 та тўқимачилик ва енгил санаят корхонаси, ўнлаб ҳуsusий тадбиркорлар ва халқ ҳунармандлари иштирок этмоқда.

Жаҳонда

- Шимолий Кореянинг ядровий дастури масаласида Вашингтонда ўтган учрашув кутилган натижани бермади. АҚШ, Япония ва Жанубий Корея дипломатик вакиллари ушбу масала юзасидан ягона фикрга келолмаганиликлари боис уч томонлама музокаралар вақтинча тўхтаб қолди.
- «Йўл харитаси» тинчликпарвар режасига мувофиқ шу ҳафтадан бошлаб Калькилия ва Иерихон шаҳарлари Фаластин назорати остига ўтади.
- Европа комиссияси MICROSOFT корпорациясини дастурий таъминот соҳасидаги рақобатчилик қондаларини кўпол равишда бузганлиқда айблади ва унга нисбатан ҳам чекловлар жорий этилиши эҳтимоли борлигини маълум қилди.
- Покистоннинг Карачи портида нефть элтаётган танкернинг кумга ўтириб қолиши натижасида оқиб кетган 12 минг тонна нефть доғи тозалана олинмоқда.
- Италия пойтахти Рим шаҳридаги XIII асрда бунёд этилган Авлиё Фаариша қасри сайёҳлар учун яна ўз эшиklarини очди.

Иқтисодийёт

**ТИББИЁТ
ИДИШЛАРИ**

Маълумки, дори-дармонларни кадоқлашда кенг қўлланиладиган тиббиёт идишлари мамлакатимизга хориждан келтирилар эди.

Шаҳримизда ана шундай тиббиёт идишларининг бир неча турларини ишлаб чиқарадиган «Фарм-Гласс» Ўзбекистон-Британия қўшма корхонаси ишга тушган эса бу борадаги муаммо ечилиб, импорт ўрнини босувчи маҳсулот тайёрлаш йўлга қўйилди.

400 нафарга яқин ишчи-хизматчи фаолият кўрсатаётган ушбу корхонада ишлаб чиқариш ҳамми йилдан-йилга ортиб, шиадан тайёрланган идишлар тури ҳам кўпайиб бормоқда. Шунингдек корхонанинг «Мед-Гласс» шўба корхонасида ҳам сифатга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жорий йилнинг ўтган ярмида жамоа тадбиркорлари томонидан замонавий жиҳозланган цехларда 900 миллион сўмликка яқин маҳсулот тайёрланиб, буюртмачиларга етказиб берилди.

**40 МИНГТА
ҲИСОБЛАГИЧ**

Ҳисоблагичлар исрофгарчиликнинг олдини олишда, тежаб-тергашда фойдали эканлигини асбоб ўрнатилган хонадон эгалари эътироф этишмоқда.

Истеъмолчиларга ана шундай ускуналарни етказиб беришда «TOSHKENT-ZENNER» Ўзбекистон-Германия қўшма корхонасининг ҳиссаси катта бўлмоқда. Корхонада ишлаб чиқариш ҳамми ортиб, қўшимча ишчи ўринлари яратилмоқда. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида жамоа аҳли томонидан 18 мингта совуқ сув ҳамда 50 мингта газ ҳисоблагич ускуналари йиғилди. Энг қувонарлиси эса, маҳсулотнинг бутловчи қисмларидан 40 фоизга яқини ўзимизда тайёрланаётгани ва уларнинг бир қисми хорижга ҳам экспорт қилинаётганидир.

Шунингдек, корхонада сув ҳисоблагичларни шартнома асосида хонадонларга ўрнатиш ишлари ҳам жадал олиб борилмоқда. Ташкил этилган 18 та бригаданинг малакали мутахассислари шу кунгача пойтахтимиз туманларидаги хонадонларга 15 мингтадан зиёд совуқ сув ҳисоблагичлари ўрнатиб беришди. Ўрнатилган ҳисоблагичларнинг кафолат муддати 4 йилни ташкил этади.

**БОЛАЛАР
ҚУВОНЧИГА
ШЕРИК**

Хамза туманида фаолият бошлаган «NB DEVELOPMENT» хусусий фирмаси тадбиркорлари болажонларимизни хурсанд қилишни кўзлаган.

Негаки болажонларимиз ҳаётини уйинчоқларсиз тасаввур этиши қийин. Айниқса, у талаб ва эҳтиёжга яраша чиroyли, бежирим, турли-туман бўлса. Корхонада ана шундай уйинчоқларнинг болалар ва оналарга маълум юмшоқ турлари тайёрланмоқда. Белоруссиядан келтирилган янги жиҳозлар ёрдамида тайёрланаётган юмшоқ уйинчоқларнинг турлари 70 тадан ортиди. Ҳар бир уйинчоқда болаларга бўлган меҳр-муҳаббат, қувонч мужассам. Энг муҳими эса ушбу маҳсулотлар хорижники билан бемалол рақобатлаша олади.

Дилноза ФИЁСОВА

Республика Давлат мулки қўмитасида юртимиздаги акциядорлик жамиятларида иш юритаётган давлатнинг ишончли вакиллари учун семинар кенгаш ўтказилди.

**Акциядорлик жамиятлари
фаолияти сарҳисоби**

Маълумки, хусусийлаштирилган корхоналарда давлат мулкини бошқариш, унинг бир маромда ишлашини назорат қилиш давлатнинг ишончли вакиллари зиммасига юклатилган. Улар масъулиятни чуқур ҳис этган ҳолда, корхона мулкининг талон-тароҳ қилинишига йўл қўймадилари керак. Афсуски, бугунги кунда юртимизда фаолият кўрсатаётган кўпгина корхоналарда давлатнинг ишончли вакиллари бу қонун-қоидаларга амал қилишмаяпти.

Давлатимиз раҳбари Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил биринчи ярим йиллигида иқтисодий ва ижтимоий соҳаларни ривожлантириш якунлари ҳамда ушбу соҳаларда ислохотларнинг бугунги устивор йўналишлари бўйича чора-тадбирларни амалга оширишга бағишланган йиғилишида акциядорлик жамиятларининг бошқарув тизимида ҳалихануз маъмурий буйруқбозлик, корхоналарнинг ҳўжалик фаолиятига ноқонуний аралашув ҳолатлари сақланиб қолаётганлигини қаттиқ танқид остига олганди. Шунингдек, мазкур муам-

моларни бартараф этиш юзасидан республика Давлат мулки қўмитаси зиммасига бир қатор муҳим вазифаларни юклатди. Ўтган давр мобайнида қўмита томонидан акциядорлик жамиятларидаги аҳвол ўрганиб чиқилиб, вазиятни бартараф этиш мақсадида кўпгина чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Эндиликда акциядорлик жамиятларига тайинланган давлат ишончли вакиллари республика Бош вазири ҳузурдаги комиссия ҳамда Давлат мулки қўмитаси ҳайъати суҳбатидан ўтди. Шундан сўнггина улар билан шартнома тузилади. Шу пайтга қадар қўмита 133 та корхонада текширув ўтказиб, 87 нафар ишончли вакиллар билан шартнома тузди. Улар шартномага мувофиқ корхонанинг молиявий, иқтисодий-ижтимоий аҳволига жавобгар шахс ҳисобланади. Давлатнинг ишончли вакили саъй-ҳаракати туфайли корхонада ижобий ўзгаришлар юз берса, корхона самарали ишласа, унга ойлик маошдан ташқари пул мукофоти ҳам берилди.

«Туркистон-пресс»

**Корея ташкилотларида
Ўзбекистонга қизиқиш**


Корея Республикасининг Жежу шаҳрида Корея импорт уюшмаси (KOIMA) томонидан мамлакатга маҳсулот олиб кирувчи етакчи ташкилотлар раҳбарлари учун аънанавий йиллик семинар ташкил қилинди. Унда Ўзбекистоннинг Кореядаги элчихонаси вакиллари ҳам иштирок этишди.

Асосий мақсади Кореяга ташқаридан маҳсулот олиб кирувчи ташкилотлар билан хорижий компаниялар раҳбарлари орасидаги муносабатларни яхшилашга қаратилган бу йилги семинарда Кореянинг 200 га яқин ташкилоти, Сеул шаҳрида аккредитациядан ўтган элчихона вакиллари ва Корея бозорида фаолият олиб бораётган хорижий компаниялар иштирок этишди.

Семинар давомида Корея кичик ва ўрта бизнес вакиллари ҳамда семинарнинг бошқа иштирокчиларига Ўзбекистон элчихонаси томонидан Ўзбекистондаги инвестицион муҳит ва Ўзбекистоннинг экспорт салоҳияти таништирилди. Кореяга экспорт қилиниш учун мос тушадиган маҳсулотлар, шу жумладан минерал хом-ашё, кимёвий маҳсулотлар, пахта толаси, турли металллар, мева-сабзавотларни қайта ишлаш маҳсулотлари, қуруқ ва ёнғоқ каби экспортбоп молларга кўпроқ эътибор қаратилди. Бу эса Корея ишбилармон доираси вакилларида катта қизиқиш уйғотди.

Семинар якунида импорт билан шугулланувчи Корея ташкилотлари Ўзбекистон вакиллари билан музокара олиб бориши ва кўрғазмага қўйилган молларни импорт қилиш мавзусини Ўзбекистондаги ташкилотлар билан янада кенроқ муҳокама қилишга қизиқиш билдиришди.

«Жаҳон» АА



• ИҚТИСОДИЁТ

**Олти миллионга
дарслик чиқарилади**

Матбаа маҳсулотларининг сифати, бугунги кун талабларига жавоб бериши, албатта, хом ашё ва юксак унумли замонавий дастгоҳларга боғлиқдир. Шу боисдан ҳам кейинги йилларда пойтахтимиздаги етакчи жамоалардан бири саналган — Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигига қарашли Тошкент матбаа комбинати цехлари замонавий хорижий дастгоҳлар билан жиҳозланди.

Айни пайтда ана шу цехларда малакали кадрларнинг меҳнатлари эвазига ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар-

нинг жаҳон андозалари даражасида бўлишига эришилмоқда. Мактабларимизда янги ўқув йили бошланишига саноқли кунлар қолди. Мамлакатимизда мактаб, лицей ва коллеж ўқувчилари учун тайёрланаётган ўқув дарсликларининг 60 фоизи юқоридаги жамоа аҳли томонидан чоп этилади.

— Жорий йилнинг ўтган ярмида 3,5 миллиондан ортиқ дарсликларни чоп этишга муваффақ бўлдик, — дейди корхона директори Зоир Исажонов. — Буюртмага кўра 40 номда мактаб ўқувчилари учун ҳамда 10 номда коллеж ва лицей талабаларига дарслик китобларини чоп этганмиз.

Ушбу маҳсулотларнинг сифатига алоҳида эътибор қаратилган. Айни дамда эса матбаачиларимизнинг гайрат-шижоатлари балан. Негаки ўқув йили тобора яқинлашиб келмоқда. Матбаачиларимиз буюртмаларни вақтида ва сифатли адо этишга интилишмоқда. Июль-август ойларида 2 миллиондан зиёд дарсликларни чоп этишни мақсад қилганмиз. Унга эришиб, албатта, Мустиқиллигимизнинг 12 йиллик тантаналарини ёруғ юз билан кутиб оламиз.

Албатта, сифат харидор чақиради. Ана шу нарсага муҳим эътибор қаратилгани ҳамда энг замонавий матбаа ускуналаридан самарали фой-



даланилаётгани боис жамоага қўшни давлатлардан ҳам буюртмалар тушмоқда. Осиё ривожланиш банки тендерда муваффақиятли иштирок этган матбаа комбинати тadbиркорлари йил охиригача қўшни давлатлар учун ҳам дарслик китоблари чоп этишни кўзда тутишган. Албатта, бу корхона ривожига муҳим ҳисса бўлади.

**Шарифа ИЛЁСОВА
СУРАТЛАРДА:** матбаачилар фаолиятдан, айти кунлардаги гайрат-шижоатдан лавҳалар.

Тоҳир Нигматуллин олган суратлар.



— Юртимизда кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтиштиришда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ўрни катта. Энг муҳими, бугунги кунда маҳалла оқсоқоллари, маслаҳатчилари, турли комиссияларнинг тўлақонли фаолият юритишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган.

Маҳалладаги юзага келадиган муаммоларни жамоатчилик кучи билан ечиш ва бартараф этиш мақсадга мувофиқдир. Айниқса, жиноятчиликка қарши кураш, ёшлар тарбияси, аҳолининг фойдали меҳнат билан бандлиги каби кўплаб масалалар доимо маҳалла фаоллари диққат марказида бўлиши эътиборда молик.

Ажасарой туманидаги Бобур маҳалласида оқсоқол Шермат ака Одилов бошчилигида олиб бориладиган ишлар тахсинга лойиқ. Мазкур маҳалла аҳли 30 та кўп қаватли уй-жойларда аҳил-иноқ ҳаёт кечирмоқда.

— Маҳалла — Ватан ичидаги кичик бир Ватан ҳамда у том маънода муқаддас маскан ҳисобланади, — дейди маҳалла оқсоқоли Шермат ака. — Маҳаллаларда биринчи навбатда соғлом муҳит, тинчлик-осудалик барқарор бўлиши зарур деб ҳисоблайман. Маҳалламиз доимо обод ва гўзал бўлиши, оилалари бағрида эмин-эркин яшаватган ўғил-қизлари жисмонан бақувват ва маънан етук инсонлар бўлиб етиштирилиши ва барча маҳалладошлар бир-бирларига меҳр-оқибатли бўлишлари учун кўлимиздан келганича ҳаракат қилишимиз.

Эътиборли томони, маҳаллада 6 минг етти юзга яқин аҳоли истиқомат қилади. Учта уй-жой мулкдорлари ширкати бугунги кунда аҳоли хизматига. Бобур маҳалласида оқсоқолнинг сай-ҳаракатлари туфайли жорий йилда тикувчилик цехи ишга туширилди. Ушбу цехда кўплаб аёллар шу кунларда унумли меҳнат билан банд. Моҳир тикувчи ва бичкичи аёллардан Мухаббат Эргашева, Малика Бобонова, Наталья Алексеевага тикан маҳсулотлар маҳалладошларини

мамнун этибгина қолмай, бозорда ҳам ўз харадорларини топтомоқда.

Тикувчилик цехига маҳалла маблағи эвазига замонавий тикув машиналари ва бичиш дастгоҳлари ўрнатилган. Бинобарин, маҳаллада истиқомат қилувчи ёшлар, 2 нафар қиз — Тошкент тўқимачилик ва энгил саноят институтининг 1 ва 2-курс талабалари ўқиш билан бирга, цехда меҳнат қилиб, касб-малакаларини ошириб бормоқда. Бундан ташқари улар ўз оилалари бюджетига ҳам баҳоли қудрат ҳисса қўймоқдалар.

Келгусида тикувчилик цехи қувида «Усто-шоғир» усулида маҳалла ёшларида таълим бериш йўлига қўйилади.


Цех усталари бугунги кунда 20 хилга яқин эркак, аёл ва болаларга мўлжалланган кийим-кечакларни тикиш билан бирга, аҳоли томонидан олиб келинадиган турли кийим-кечакларни сифатли таъмирлаб ҳам беришмоқда. Бундан маҳалла аҳли беҳад мамнун. Жумладан, мактабларнинг юқори синф қизлари бу ишларга жуда катта қизиқиш билан қарамоқда. Айниқса, таътил ойлари бўлганлиги сабабли усталар атрофида маҳалланинг қизлари, келинлари гавжум.

Маҳалла фаоллари, тадбиркорлари тинмай изланишда. Шу кунларда маҳаллада нон-булка кичик цехини қуриш ишлари қизгин кечмоқда. Демак, ҳадемай яна бир қанча фуқароларга янги иш ўринлари яратилади. Ҳозирда халқимизнинг энг азиз, энг улуғ байрами бўлган Мустақилликнинг 12 йиллигини пойтахтимиздаги барча маҳаллалар сингари Бобур маҳалласи аҳли ҳам муносиб кутиб олишга ҳозирлик қўймоқда.

Муқаддас УМАРБЕКОВА

• 2003 — ОБОД МАҲАЛЛА ЙИЛИ

Янги иш ўринлари



Ҳамза туманидаги Аҳмадjon Назаров номли маҳаллада ўтказилган меҳнат армаркасидан лавҳалар. Ҳақимжон СОЛИҲОВ олган суратлар.

• ТАДБИРЛАР Долзарб мавзуга бағишланди

Юнусобод туман ҳокимлиги мажлислар залида жазони ўташ муассасаларидан озод этилган шахсларга ижтимоий-маиший жиҳатдан кўмаклашиш ва ишга жойлаштириш бўйича семинар-йиғилиш бўлиб ўтди.

Мазкур тадбир туман ҳокимлиги, туман меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофазат қилиш бўлими, туман ички ишлар бошқармаси ҳамда маҳаллалар оқсоқоллари билан ҳамкорликда ўтказилди. Тадбирни Юнусобод туман ҳокимининг ўринбосари Аҳмад Расулов очиб, туман меҳнат бўлими ходимлари билан маҳаллалардаги устакча но-зиллари биргаликда иш олиб боришлари янги самаралар бераётгани, маҳаллалар оқсоқоллари эса уларга ҳар томонлама кўмаклашишда лозимлигини таъкидлади.

Шунингдек, туман ички ишлар бошқармасининг паспорт бўлими бошлиғи Собир Бутунов жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган шахсларни паспорт билан таъминлаш ва уларни рўйхатдан ўтказиш бўйича олиб бориладиган

ишлар тўғрисида гапирди. Бундан ташқари йўл қўйилган хато ва камчиликлар ҳақида ҳам рўйхат айтилди. Шунингдек, ички ишлар ходимлари Юнусобод туман ҳокимлиги қошидаги ижтимоий мослашиш марказидаги мутахассислар билан ба-ма-маслаҳат иш юритсалар, мақсадга мувофиқ бўлиши айтиб ўтилди.

Мазкур семинар-мажлисда иштирок этган туман маҳаллалари оқсоқоллари ўз маҳаллаларида истиқомат қилувчи фуқаролардан тушган ариза, шикоят ва тақлифлар тўғрисида гапирдилар. Улар фуқароларни қийнаётган муаммолар ҳақида ҳам қуёниб сўзладилар. Бундан ташқари тадбирда туман меҳнат бўлими раҳбари Нозима Сулаймонова ҳам сўзга чиқиб, меҳнат бўлимидаги маҳаллалар инспекторлари иш фаолиятларини оқсоқоллар, устакча но-зиллари

Муассар АБДУРАСУЛОВА

Хунар — хунардан унар

• Гўзал ЮСУПОВА, касб-хунар коллежи ўқитувчиси:

Миллатимизга хос бўлган яхши бир анъана мавжудки, ота-боболаримиз қандай шароитда бўлмасин, ўз фарзандларига бирор бир касб-хунарни ўргатиб, қўлидан тайинли иш келадиган, инсонларга нафи тегадиган қилиб тарбиялашга алоҳида эътибор қаратишган. Мустақиллик йиллари миллатимизга хос касб-хунардан, устоз-шоғир анъаналарига ҳам ўз салбий таъсирини ўтказди. Касб-хунарга йўналтирилган билим юртиларига асосан қоқоқ, укувсиз ўқувчилар мажбуран жалб қилинади. Умуман жиҳозланмаган, яъни стол-стуллар, доскадан бошқа ҳеч вақоси бўлмаган синф хоналарида фақатгина назарий билимлар бериларди. Касб маҳорати, унинг инсонлар ҳаётида ва жамиятимиздаги

аҳамияти, қадр-қиммати ҳақида тушунчалар умуман сингдирилмаган, ўргатилган хунардан асосан, дурадгорлик, электрпайвандловчи, тикувчилик сингари жуда саноқли бўлиб, менталитетимизга хос бўлган, аждоғларимизнинг сеvimли, қон-қонимизга сингиб кетган зардушлик, наққошлик, лўппилдўзлик, кулолчилик каби касбларни ўрганишга умуман йўл қўйилмади.

Истиқлолимиз шаъфати билан таълим соҳаси ривожланиб, йилдан йилга касб-хунар коллежлари учун қурилиб, фойдаланишга топширилган кўркам ва замонавий жиҳозланган биналар ширминизга ҳам қувонч ва кедаракка ёрқин ишонч уйғотмоқда.

Ҳаётда йилгит-қизларимиз хунарни бўлганига нима етсин. Кейинчалик олий ўқув юртига ўқишга кирсалар ҳам, ишласалар ҳам бир

Кўнгилдаги гаплар

кун келиб барибир ўша эгалланган хунарни ҳаётларида асқотиши шубҳасиз. Хунарни киши ҳеч қачон, ҳеч қерда хор бўлмайди.

Буюк келажакимизга

ИШОНЧ

• Абдурашид ТОШПҮЛАТОВ, миллий хунардончилик коллежи ўқитувчиси:

— Мустақиллик йилларида давлатимизнинг доно сийсати туфайли академик лицей ва касб-хунар коллежларини керакли мебеллар, ўқув-лаборатория ва техник жиҳозлар билан таъминлашга кўплаб маблағ сарфланмоқда. Сўнгги йилларда билим масканлари учун замонавий компьютерлар, радио-электроника, автомобиль тренажерлари ҳамда ўқув-лаборатория жиҳозлари керакли

эҳтиёт қисмлар ҳам келтирилишига катта эътибор берилмоқда.

Йили тизимдаги илм даргоҳларида таълим бераётган ўқитувчиларга ҳам замонавий талаблар қўйилмоқда. Яъни, улар янги педагогик технологияларни маҳорат билан эгаллашлари, муайян тараққиёт даврида жамиятимиз учун зарур бўлган етук мутахассисларни шакллантириш стандартларини эгаллаган бўлишлари керак. Улар педагогик фаолиятларини сеvimли, ўз соҳалари бўйича махсус билимларга эга бўлишлари каби ўта муҳим вазифалар талаб этилмоқда.

Ҳозирги кунда ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимида етук педагог ва муҳандис-педагоглар меҳнат қилмоқдалар. Улар орасида кўплаб фан докторлари ва профессорлар ҳамда фан номзодлари ёш авлодга малакали таълим бermoқдалар.

• ЁШЛАР — КЕЛАЖАГИМИЗ

КАСБИМДАН МАМНУНМАН

• Гули АТҲАМОВА, маиший касб-хунар коллежи битирувчиси:

— Мен бугун ишонч билан айта оламани, ўз касбимни сеvimан ҳамда ундан жуда фахрланаман. Ҳозирги кунда етук даражада хунар эгалладим... Энг замонавий хорижий тиқиш ва бичиш дастгоҳларидан фойдаланишни, ҳатто зарур бўлган пайтларда уларни бемалол созлашни ўзим урдалайман. Шунинг учун ҳам мен ўзимни профессионал тикувчи қаторига қўя оламан.

Ҳозирги кунда мустақиллигимиз туфайли мен каби ҳар бир ёш ўз билими, иқтидори ва истак-хоҳишига таянган ҳолда аниқ фикр ва режасига асосан ҳаёт йўлини бошлаши керак. Зеро, бунга имкон ҳам, давлатимиз томонидан ажратилаётган маблағ ҳам, асосийси эса эътибор ҳам етарли, деб ҳисобламайман.

Коллеж дипломинин олиб, энди қаерга ишга борсам, мени ким ишга оларкин деб ўйлаиб ҳам ўтирмадим. Фақат ўзимнинг олган билимимга таянган ҳолда мустақил ва дадил фикр юритдим, ҳаётда ўз ўрнини албатта топаман, деган ички бир ишонч билан ишга киришдим. Уйимизга яқин жойдаги тикувчилик ателье-сида — аҳил жамоада сеvimли ишимни давом эттирмақдам. Танлаган касбимдан жуда мамнумман. Чунки у доимо ижодий ёндашушни талаб қилади.

ИНТИЛГАНГА ТОЛЕ ЁР

• Рашид САМАДОВ, дурадгор, хусусий корхона ишчиси:

— Мактабда, кичик синфда ўқиб юрганамиз, жуда яхши эсимда, Санъат музейидаги халқ хунардонларининг кўргазмасини томоша қилишга борганимиз. Ушанда қўли гул, мўъжиза яратувчи усталарнинг ясаган маҳсулотларидан жуда ҳайратга тушганман. Қизиқ, ўшанда кўргазмага боришимиз сабаб, менда хунардончилик касбига катта меҳр уйғонди.

Утган йили мен олий ўқув юртига кириш имтиҳонларини топшириб, ўқишга кириладим ва туман меҳнат бўлими орқали мени Тошкент шаҳар Меҳнат аҳолини ижтимоий муҳофазат қилиш бош бошқармасига қарашли ишчиларни касбга тайёрлаш, қайта ўқитиш ва малакасини ошириш марказига ўқишга юборишди: ўқув марказида малакали устозлар ёрдамида касбимнинг сир-асрорларини мукамал ўргатдим.

Менимча, ҳаммаси одамнинг ўзига боғлиқ, мен шундай деб ўйлайман. Кишида, айниқса, эркакда кунт бўлса, қилаётган ишидан завқ олса, хунар ўрганганга нима етсин. Кўча-қўйда бекор юрганган кўра, айниқса, кўнлик турмушга қизиқиб бозорларга чиқиб кетган тенгдошларимни кўриб, хунарни бўлганимдан жуда хурсандман.

Ҳозирги кунда касбдошларим билан сифатли, чидамли, бир-биридан кўркам мебел маҳсулотлари ишлаб чиқармоқдамиз. Асосийси, бу жиҳозлар ўзимнинг хомашёдан. «Интилганга толе ёр» деб халқимиз бежиз айтаман экан...

• СЎРАНГ, ЖАВОБ БЕРАМИЗ

Меҳнат бозори нима?

Биз туман меҳнат бўлимида бўлганимизда «ишчи кучи, меҳнат бозори» деган иборага тез-тез дуч келдик. Шу ҳақда маълумот берсангиз...

Маъмура ТОЛИБЖОНОВА ва Саида АЛИЕВА, Ҳамза тумани.

Шуни қайд қилиш кераки, меҳнат бозори безор иқтисодиётининг муҳим тарихий қисмиридан бири бўлиб, бу давлат, иш берувчилар ва ишга ёлланувчилар, яъни ишчи кучи ўртасидаги меҳнат муносабатларининг йиғиндиси ва меҳнат хизматларини олиб-сотиш хусусидаги ижтимоий-иқтисодий муносабатлар тизими ҳисобланади.

У ишчиларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини ошириш ва ишлаб чиқариш жараёнига уларни жалб қилишни ўз ичига оладиган бозордир.

Ишчи кучи тақлифи, ишчи кучига талаб ва ишчи кучи баҳоси меҳнат бозорини ҳаракатлантирувчи унсурлардир. Ишчи кучи тақлифи дейилганда меҳнатга қобилиятли аҳолининг ўз ишчи кучини товар ишлаб чиқариш мақсадида меҳнат бозорига сотиш учун олиб чиқиш ҳолати тушунилади.

Ишчи кучига талаб дейилганда эса иқтисодиёт соҳалари ва турли корхоналар учун зарур бўлган ишчи кучи миқдорини тушунилади.

Шундай қилиб, меҳнат бозори талаб ва тақлиф қонунларига бўйсунган ҳолда бошқа товар бозорларидан ўзига хос жиҳатлари билан фарқ қилади-ган бозордир. Меҳнат бозорини тартибга солиш унинг аҳамиятини чуқурроқ англаш, ишчи кучини тўғри тақсимлаш иқтисодиётда ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Шундай қилиб, меҳнат бозори талаб ва тақлиф қонунларига бўйсунган ҳолда бошқа товар бозорларидан ўзига хос жиҳатлари билан фарқ қилади-ган бозордир. Меҳнат бозорини тартибга солиш унинг аҳамиятини чуқурроқ англаш, ишчи кучини тўғри тақсимлаш иқтисодиётда ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Шундай қилиб, меҳнат бозори талаб ва тақлиф қонунларига бўйсунган ҳолда бошқа товар бозорларидан ўзига хос жиҳатлари билан фарқ қилади-ган бозордир. Меҳнат бозорини тартибга солиш унинг аҳамиятини чуқурроқ англаш, ишчи кучини тўғри тақсимлаш иқтисодиётда ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Шундай қилиб, меҳнат бозори талаб ва тақлиф қонунларига бўйсунган ҳолда бошқа товар бозорларидан ўзига хос жиҳатлари билан фарқ қилади-ган бозордир. Меҳнат бозорини тартибга солиш унинг аҳамиятини чуқурроқ англаш, ишчи кучини тўғри тақсимлаш иқтисодиётда ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Шундай қилиб, меҳнат бозори талаб ва тақлиф қонунларига бўйсунган ҳолда бошқа товар бозорларидан ўзига хос жиҳатлари билан фарқ қилади-ган бозордир. Меҳнат бозорини тартибга солиш унинг аҳамиятини чуқурроқ англаш, ишчи кучини тўғри тақсимлаш иқтисодиётда ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Шундай қилиб, меҳнат бозори талаб ва тақлиф қонунларига бўйсунган ҳолда бошқа товар бозорларидан ўзига хос жиҳатлари билан фарқ қилади-ган бозордир. Меҳнат бозорини тартибга солиш унинг аҳамиятини чуқурроқ англаш, ишчи кучини тўғри тақсимлаш иқтисодиётда ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Шундай қилиб, меҳнат бозори талаб ва тақлиф қонунларига бўйсунган ҳолда бошқа товар бозорларидан ўзига хос жиҳатлари билан фарқ қилади-ган бозордир. Меҳнат бозорини тартибга солиш унинг аҳамиятини чуқурроқ англаш, ишчи кучини тўғри тақсимлаш иқтисодиётда ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Шундай қилиб, меҳнат бозори талаб ва тақлиф қонунларига бўйсунган ҳолда бошқа товар бозорларидан ўзига хос жиҳатлари билан фарқ қилади-ган бозордир. Меҳнат бозорини тартибга солиш унинг аҳамиятини чуқурроқ англаш, ишчи кучини тўғри тақсимлаш иқтисодиётда ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Шундай қилиб, меҳнат бозори талаб ва тақлиф қонунларига бўйсунган ҳолда бошқа товар бозорларидан ўзига хос жиҳатлари билан фарқ қилади-ган бозордир. Меҳнат бозорини тартибга солиш унинг аҳамиятини чуқурроқ англаш, ишчи кучини тўғри тақсимлаш иқтисодиётда ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Ишга марҳамат

• МУСОҲАБА Ҳамкорлик асосидаги фаолият

Юнусобод туманидаги меҳнат бўлимига кириб борар эканмиз, йўлак анча тирбанд, фуқаролар кўлларида қандайдир қоғозлар ушлаб турардилар. Раҳбарнинг эшигига яқинлашганимизда икки ёшнинг суҳбатни кулоғимизга қалинди.

— Нозима опа ишингизни албатта ҳал қилиб берадилар, опани ўз ишини устаси дейишди. Маҳалламиздан меҳнат бўлимига мурожаат қилганларнинг барчасини кўнгли тўлиб кетади...

— Кўринишларидан ёш эканлар, сиз айтгандай, моҳир раҳбар бўлсалар жуда яхши-да!

Ҳақиқатан ёш, истараси иссиқ, очик чехрали Нозима Сулаймонова бизларни илик кутиб олдилар. Аввалдан кўнгирақлашиб, мақсадиимизни баён қилганимиз учун салом-алиқдан кейин меҳнат бўлими раҳбари меҳнат бўлимининг жорий йил ўтган йилларидаги ишлари ҳақида қўйидаги гапирди билардилар.

—Туманимизда 50 та маҳалла мавжуд бўлиб, уларда 289,9 минг аҳоли истиқомат қиладики, шулардан 170,2 минг нафар фуқаро ишга лаёқатли бўлиб, 139,300 нафар фуқаро шахримиздаги корхона ва ташкилотларда меҳнат қилмоқда. Мазкур маҳаллаларга ғайрат-шижоатли, ўз вазифаларига виждонан ёндашувчи 16 нафар маҳалла инспекторлари бириктирилган. Меҳнат бўлими ходимлари ҳар чоракда маҳаллаларда аҳоли ўртасида мониторинг ўтказишди. Жорий йилда инспекторлар маҳаллаларда 4.573 нафар иш билан банд бўлмаган аҳолини

рўйхатга олдилар. Улардан 1486 нафари ишга жойлаштириш истагини билдирган, шулардан 664 нафари иш билан банд бўлмаган меҳнат бўлиминингизга 1975 нафар иш билан банд бўлмаган фуқаролар мурожаат қилишди.

Режадаги ишларни тўғри ташкиллаштириш ва юритишда меҳнат бўлиминиздаги барча ходимлар ўз имкониятлари даражасида ҳаракат қилмоқдалар. Айниқса Шоиства Исоқова, Маъпура Набиева, Ҳалима Восковскаялар ўз тажрибалари билан ёшларимизга ҳар томонлама ўрнак бўлмоқдалар. Ёшлардан эса Саида Зокирбоева, Отабек Маннопов, Садоқат Тўхтаевалар маҳалла ходимлар билан елка-елка унумли иш олиб бermoқдалар.

Ишдаги ҳамкорлик яхши натижалар бериши ҳеч кимга сир эмас, албатта. Туманимиздаги энг ибратли Ш.Мансурхўжаев номидagi, Акбаров, «Кўнчи-нор», «Ўзбекистон Мустақиллиги», Фуломмаҳмуд Абдуллаев номидagi, «Астробод», «Минор», «Бодомзор», Фирдавсий каби кўплаб маҳаллаларнинг ишбилармон, тажрибали оқсоқоллари, фаоллари биз билан мақсадлари муштараклиги сабабли ҳамжиҳатликда иш юритмоқдалар.

Ишдаги ҳамкорлик яхши натижалар бериши ҳеч кимга сир эмас, албатта. Туманимиздаги энг ибратли Ш.Мансурхўжаев номидagi, Акбаров, «Кўнчи-нор», «Ўзбекистон Мустақиллиги», Фуломмаҳмуд Абдуллаев номидagi, «Астробод», «Минор», «Бодомзор», Фирдавсий каби кўплаб маҳаллаларнинг ишбилармон, тажрибали оқсоқоллари, фаоллари биз билан мақсадлари муштараклиги сабабли ҳамжиҳатликда иш юритмоқдалар.

Ишдаги ҳамкорлик яхши натижалар бериши ҳеч кимга сир эмас, албатта. Туманимиздаги энг ибратли Ш.Мансурхўжаев номидagi, Акбаров, «Кўнчи-нор», «Ўзбекистон Мустақиллиги», Фуломмаҳмуд Абдуллаев номидagi, «Астробод», «Минор», «Бодомзор», Фирдавсий каби кўплаб маҳаллаларнинг ишбилармон, тажрибали оқсоқоллари, фаоллари биз билан мақсадлари муштараклиги сабабли ҳамжиҳатликда иш юритмоқдалар.



Хозирги кунда бўлиминиз

Хозирги кунда бўлиминиз

Хозирги кунда бўлиминиз

Хозирги кунда бўлиминиз

Хозирги кунда бўлиминиз

Хозирги кунда бўлиминиз



Тошкент шаҳар ҳокимияти
"Камолот" ёшлар иқтисодий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими

"Севимли шаҳрим" акцияси доирасида
"Озода шаҳар"
барфироли ўйбикалари.

Тез кунларда Сизнинг маҳаллангизда махсус жамоа ва сеvimли радиостанциянгизнинг бошловчилари иш олиб боришади.

Сиз ўз кўчангизни чиқинди-ахлатлардан тозалани!

Ва Сиз сеvimли радиостанция орқали эфирга чиқиш имкониятига эга бўласиз.

Маълумотлар ТТҲ телеканалда; "Пойтахт-информ" радиостанцияси, "Тошкент оқшоми", "Вечерний Ташкент" газеталарида.

Бизнинг Тошкент-озода шаҳар!

Севимли ШАҲРИМ

www.tashkentkamolot.uz
Манзил: Тошкент шаҳар, 700005, Мовароуннаҳр кўчаси, 14
Маълумот учун телефонлар: 133-21-05, 133-38-03

Тошкент шаҳар ҳокимияти
"Камолот" ёшлар иқтисодий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими

"Севимли шаҳрим" акцияси доирасида
"Дилнимасан-пойтахтим"
тез равишда эфирга чиқишлари мавзусида
эфир-маълумоти бўлиб қоларди

Маълумотлар ТТҲ телеканалда; "Пойтахт-информ" радиостанцияси, "Тошкент оқшоми", "Вечерний Ташкент" газеталарида.

Кўрик-танлов шартлари:

Ижрочиларнинг ёши чегараланмаган;

Танловда ҳаваскорлар ва профессионал ижрочилар қатнашиши мумкин;

Кўшиқ илк бора ижро этилиши керак;

Кўшиқ сифатли аудиосуналарга (минидиск, CD) Эзилиши керак.

Тақлифлар 1 октябргача қабул қилинади.

Энг яхши кўшиқ танловга ҳисса толар ва радиостанциялар бошқарувида алоқалар.

Севимли ШАҲРИМ

www.tashkentkamolot.uz
Манзил: Тошкент шаҳар, 700005, Мовароуннаҳр кўчаси, 14
Маълумот учун телефонлар: 133-21-05, 133-38-03

Турфа олам

ҒАРОЙИБ НИКОҲ

Литва шаҳарларидан биридаги никоҳдан ўтиш бўлинмасига кутилмаганда 2 жуфт 15 шарқ қизалоқ ва йигитчалар ташриф буюришди ва уларнинг никоҳи қайд қилинди.

Литва қонунлари бўйича воёга етмаганларнинг никоҳдан ўтиши таъқиқланганлиги кўрсатилган. Лекин ёшлар шифокорлардан ҳомилдорлик ҳақида маълумотнома, ота-она розилигини олиб келсалар, никоҳ қайд қилинаверади.


— Ўтган йили 1500 дан ортиқ литвалликлар эр-хотин бўлиб, оила қуришди. Аммо кўпгина оилалар тезда ажралиб кетишарди. Уларнинг муҳаббатлари алангаси рўзгор етишмовчиликларидан олдида сувга тушган шамдек бир зумда ўчмоқда.

БИР ЎРАДА УЧ ЖАСАД

Ачиталик ўт ўчирувчилар сабзавотлар сақланадиган махсус ўрадан уч кишининг мурдасини топишди. Маълум бўлишича, мазкур ўрага масъул киши газ воситасида гулдан ёққан ва ўранинг оғзини беркитиб қўйган. Кислород етишмай аланга учиб, ўра захарли тутун билан тўлган. Тахминан 1 суткадан кейин хўжайин ўрани назорат қилиш мақсадида у ерга тушди ва бир неча дақиқалар ичида ҳушидан кетиб йиқилди. Сўнгра икки эркак бирин-кетин ўрага тушиб, газдан захарланиб ҳалок бўлишди.

КУТИЛМАГАН СОВҒА

Оренбурглик Демидов селекционер ҳам, мичуринчи ҳам эмас. Айби — бор-йўғи томорқасига редиска уруғи сочгани. Етилган редискаларнинг бирининг оғирлиги нақд 3,8 кг. чиқди. Яна ажабланарли томони шундаки, редиска ён-атрофидаги пиёзнинг ўсишига мутлақо ҳалақит бермаган. Томорқа эгаси кутилмаган бу совғанинг қандай пайдо бўлганлиги ҳақида бош қотириб, ҳали ҳам ўйига етганича йўқ.



Санъатнинг сеҳри олами

Нурли орзулар сари

Оперетта артистлари орасида энг таниқли кишилардан бири Александр Шульганинг ҳаёти ва ижодий фаолияти тўғрисида гап кетганда албатта унинг қандай ижодий довопларни босиб ўтганлигига назар ташлашга тўғри келади.

Тошкент театрига қайтиб келади. Александр ўзининг қарийб ўттиз йиллик ижодий фаолияти давомида бир юз ўттиздан ортиқ ролларни ижро этди. У яратган ҳар бир образ кескин характерли бўлиши билан бирга маънавияти ва инсонпарварлиги билан ажралиб туради. Санъаткор истеъдоди ҳар қандай ролнинг ҳам чегарасидан юксалиб чиқарди. Артистнинг ҳозир ўзи яратган энг сеvimли образларини санаб ўтиши осон эмас. «Бундай қилиш фарзандлар орасидан энг сеvimлисини ажратишдек бир гап бўларди», — дейди у.

Шундай бўлса-да, В.Шукшин ҳикоялари асосидаги мусикали комедиялардаги замондошлар «Тонг саҳарда уйғонишиб...»да тракторчи Иван ва сантехник, «Ширин малина»даги Глеб Козулин, милиционер ва Шурик роллари томошабинлар хотирасида ўчмас из қолдирганини эслаб фахрланади. Роллар хилма-хил бўлса-да, умумий бир мавзу — Шукшинчасига афандимисол кишилар тимсоли акс этган мавзу доирасида уюшган эди. Александр яратган ўша бешта образнинг гоят ёрқинлиги тўғрисида уларнинг уларни томошабинлар ҳозир ҳам эслашади ва артистнинг ўзи учун ҳам улар жуда қадрлидир.

Кейинги ўн йил ичида ижро қилинган роллар орасидан «Ўғирланган келин»даги Платон, «Чапақай»даги шох, «Лўлилар барони»даги Зупан, «Марица»даги Мориц Популеску, Ж.Оффенбахнинг «Гўзал Елена» опереттасидаги шох Агамемнон ва бошқалар санъаткорнинг етук маҳоратидан ва бадий тимсолнинг янглиги билан фарқлиниб туради.

Александр ижро этган бир юз ўттиздан зиёд роллар орасида турли савияда чиққанлари бор. Уларнинг аксарияти албатта муваффақиятли ўйналган.

Саша болалигида кино артисти бўлишни орзу қиларди. Ўқиб чиққан тибоблари қаҳрамонларнинг кечинмаларини кино экраниде акс эттиришани хоҳларди.

Владивосток ва Тошкент ёш томошабинлар театллари, Хабаровск мусикали комедия театри, Горький номидаги Тошкент театри спектаклларида олган илк таассуротлари болакайдаги истеъдодни янада ривож топтирди.

Александр мактабни битирганидан сўнг Тошкент тажриба-экспериментал механика заводининг клуби қошидаги И.Супруненко раҳбарлигидаги халқ театрига келди. Унинг нигоҳи тасодифан газетдаги А.Островский номли Тошкент театр рассомчилиқ институтининг оперетта бўлимига қўшимча қабул бўлиши ҳақидаги эълонга тушиб қолади. Курсга ўша пайтда Тошкент оперетта театрига раҳбарлик қилаётган хизмат кўрсатган санъат арбоби Лев Вилькович мутасадди эди.

Кундузги бўлимда ўқийдиган талабаларнинг театрда ишлаши тақиқланган бўлишига қарамасдан Александр иккинчи курсда ўқийганида ушбу театрда хор артисти бўлиб ишга кириди. Шу пайтда хор таркибиде асосан Тошкентдаги ўқув юртли: консерватория, маданият институти, мусика билим юртлирининг талабалари ишларди. Уларнинг кўпчилиги спектакллардаги кичикроқ ролларни ҳам ижро этишарди. Бу навқирон театрнинг ҳаётидаги энг сурурли дамлар бўлиб, кўпгина бўлғуси истеъдодлар ўзининг ижодий тақдирини театр билан боғлашни орзу қилишарди. Бундай туйғу Александрга ҳам бегона эмасди. Бироқ турмуш ўз зайлини қилди: Александр олий ўқув юртини тугатганидан кейин Мордовиядаги мусика театрига тақлиф қилинади ва Саранскка жўнаб кетади.

1982 йилда у театр бош режиссёри, Россияда хизмат кўрсатган санъат арбоби К.Васильевнинг тақлифига биноан

устоднинг фақат бир опереттаси — «Гўзал Елена» асари саҳналаштирилган, Александр унда шох Агамемнон ролини ижро этади.

Биз сермаҳсул ва камтарин артистга унинг барча эзгу ишлари ва режаларининг амалга ошишини, ҳали яна кўплаб зафару муваффақиятларни қўлга киритишини тилаб қоламиз.

Евгения ДМИТРЕНКО СУРАТЛАРДА: Александр Шульга ижро этган роллардан лавҳалар.

• САНЪАТ **Янги кўшиқлар тақдимоти**

Кўшиқлар сеҳри инсонларни энг гўзал ва ойдин ҳаёллар оғушига чорловчи эзгулик ва яхшилик манбаидир. Чунки инсон азал-азалдан куй ва кўшиқ сеҳрига сармаст бўлиб яшайди.

Куни кеча бастакорлар уюшмасида таниқли бастакорлар Рустам Абдуллаев ва Ҳабибулла Раҳимовларнинг мустақил ўлкамизнинг ўн икки йиллигига бағишлаб ёзган махсус ва энг сара кўшиқларининг тақдимоти бўлиб ўтди.

Кўшиқларни санъат оламига эндигина кириб келган санъат гулгунчалари Саида Мамадалиева, Малика Норматова ва хор жамоалари ижро этдилар.

Жуманиёз Жабборов шеър билан айтиладиган «Ўзбекистон қошонам» кўшиғига Рустам Абдуллаев, Нормурод Назруллаев сўзи билан ижро этилган «Саломатлик посбоним» кўшиғига Ҳабибулла Раҳимов куй басталаган.

— Бу кўшиқлар Истиклолнинг ўн икки йиллик тў-

Гулчехра ДУРДИЕВА

Шарқ дурдоналари

Оз-Оз ўрганиб
Домо бўлур...

- Ким ўз юртини севмаса у ҳеч нимани сева олмайди.
- Ватанга муҳаббат — бутуннинг бир бўлаги сингари, одамзотга бўлган меҳру муҳаббатдан вужудга келиши керак.
- Ҳақиқий соф виждонли киши ўзидан оилани, оиладан Ватанини, Ватандан инсониятни устун қўймоғи керак.
- Донишманд шундай дейди:

Ватанга муҳаббат бутун дунёга муҳаббат билан уйғуллашиб кетади. Билим нуридан баҳраманд бўлган халқ, бу билан ён-веригади қўшилларга зийн келтирмайди. Аксинча, давлатлар қанчали маърифатли бўлса, бир-бирлари билан тил топишиб, янада қудратлироқ кучга айланидилар, оламшумул таъақкур янада раванак топади.

Кимда ўз юртга бўлмаса меҳр,

У қалбан шикаста,

У қалбан мажруҳ.

- Ватанпарварлик бизни махлиб қилиб қўймаслиги керак. Ватанга муҳаббат кўр-кўрона эҳтирос эмас, балки доно ақл фаолиятидир.
- Ватандошларимиздан бири ҳикоя қилади:

— Эаги дам олиш тавтилида яқин улфатлар тўпланишиб, саёҳат учун Свердловскага йўл олдик. Уч-тўрт кунлик сафаримиз деврли кўнгилни ўтди. Бешинчи кунни негадир ҳаммамиз галати бир кайфиятда уйғондик. Узагалари билмадиму лекин мен бутун борлигим билан ўзим тўғлиб мен бутун юртим, уйим, оиламни қўйсангиз эдим. Шунда орамиздан кимдир:

— Агар қаршилик бўлмаса шу баҳона Москвага ҳам бир бориб келсак, уни ўртамазда кўрганлар, кўрмаганлар бор, деган таклифни киритди.

Кўнчилик бу таклифга лоқайд жавоб берди.

— Нега, нимага? — сўради дўстимиз бизга бир-бир термулиб.

— Яхшии уйга қайтамиз. Очғи Тошкентни, бола-чақани соғиндик, — деган жавобни бердик бир овоздан.

— Аслида мен ҳам шундай халфа эдим. Лекин сизларнинг хоҳишларингизни билмоқчи эдим, — деди боғий дўстимиз.

— Ниҳоят, биз кўтган кун келди. Тунги соат иккида Тошкент — Свердловск самолёти билан учувчи самолётга чиқдик. Самолёт чекрамини бирдан орасини ёриб самога парвоз қилди. Бир соатлар чамаси булутлар орасида, қандайдир кучли босим остида учдик. Кейин аста-секинлик билан осмон ёриша бошлади. Узок-узоклардан милтиқлаб хира кўринган қолдулар бора-бора ёркинлашди. Шу дамда гўё самолётдаги иккимиз ўзгаргандек бўлди. Теламиздаги совитчи қурималаридан она юрт шаббодаси кириб келаётгандек ўзимизни энгил хис этдик.

Парвозимиз икки ярим соат давом этди. Бор бекаси самолётимиз Тошкентга етиб келганлиги ҳақидаги хабарни етказди. Элюминаторлардан пастга қараймиз. Ушайиб йўқ жабоб бир манзара. Очғи шу ёшга кириб хали бунақасини кўрмаган эдик. Шаҳар эмас, мисоли жаннат. Тунги чироқлар шу қадар ёркин порлаб, кўп қаватли уйлар, миноралар, даха ва мавзёлари бир-биридан чароғон қилиб турибди. Таърифига тил очилди. Қани энди, деймиз ўзимизча, мўйқалам устаси бўлсағу, тунги Тошкент кўринишини мана шундай аслима матога тиушсак. Ишончимиз қомилки, агар бу асар халқро кўргамаларда намойиш қилinsa, ёки ким ошди савдомага қўйилса, у мана мэн деган асарлар қаторидан ўрин олса олардики, уллардан асти кам бўлмасди. Ёнимдаги ўримдиқда ўтирган чет эллик меҳмон ҳам бу манзарани кўриб хайратдан.

— Тошкент деганлари Париждан ҳеч қолшмаса эканку, — дейди менга зур-базур ўзбекча гапириб. Биргина мана шу сўз, мана шу таърифнинг ўзи юртимизга тобора олам узра донг таратаётганлиги, ўзбекистонимиз унинг пойтахти Тошкентимизга бўлган ҳорижликларнинг қизиқиши кўн сайин ортиб бораётганлигини билдириб турарди. Шу дамда бирдан хавлимизга хассос шоир ва бахт кўйчиси Ҳамид Олимжоннинг куйидаги сатрлари келди.

Ушайиб йўқ бу гўзал бўстон,
Достонларда битган гулистон.
Ўзбекистон дея аталур,
Уни совиб эл тилга олур.

Тошкентимизни кўз-кўз қилаётгандек, айлана-айлана ниҳоят самолётимиз ерга қўнди. Борт эшиклари очилди, эзналоғи қўтарилишимиз билан шахримизнинг ўзимизга таниш бўлган эпкин хавоси димоққа урилди:

Салом она ер, муқаддас тупроқ!



Ёзининг иссиқ кунларида сўлим тоғ ёнбағирларида хордиқ чиқариш қандай яхши. Раҳматхон Акмалов олган суратлар.



Мардон тўйхонага бироз кечикироқ келди. Давранинг бир четида турган хотин-халажлар ичидан ўзининг Оъсудасини излади. Кеча кечкурун, тўй базмидан кейин учрашишга келишиб қўйганини эсладию, юраги ҳаприқиб кетди. Ҳа, Оъсуда шу ерда эди. У дугонаси Камоланинг пинжига кириб, учини шай турган қушчадек, олазрак бўлиб турар, Мардонни кўргач аввалги ҳаяжонига яна ўн ҳисса қўшилди. Оъсуданинг тўлин ойдек оппоқ юзлари қизарди. Бошини хиёл пастга эгиб, орта тисарилди.

Хаёл уммонига гарқ бўлган Мардоннинг елкасига залворли кўр улдию фикри бўлинди. Орқасига ўтирилиб қаради. Ёши ўттизларни қоралаб қолган, бир марта уйланиб, бошқа уй-рўзгор қилмаган Қосим бир қўлида вино шишасини тутганча унга бақрайиб турарди.

Йигит у билан истамайгина сўрашди. Оғзидан вино ҳиди анқитган Қосим унга қараб жаврай кетди:

— Бу дейман, Абдулла муаллимнинг қизини севармишсанми?!

— Ҳўш, севсам нима қипти?

Кўққисдан бошланган савол-жавобдан Мардоннинг жаҳли чиқа бошлаганди:

— Ёшсан-да, ука ёшсан. Яхши-ёмоннинг фарқига боришинга ҳали бир неча йиллик қовун пишиғи бор. Умуман олганда-ку, Оъсуда ёмон қизмас. Барибир «акангнинг қўлидан» (!) ўтган-да. — У шундай дея кўкрагига урди. Мардоннинг қўзларига қувларча тикилди. Бир жуфт тилла тиши, қаердандир таралаётган ёруғлик шуъласида ярқираб кетди.

Мардоннинг вужудига аллақандай ғазаб чўғи алангалана бошлаганди. Унинг қўллари мушта туғилдию ўзини босди. У шу топда Қосимни ерпарчин қилиб ташлашга қодир эди. Аммо, тўйда жанжал кўтариб, кейин маломатларга қолиб юргиси келмади. Индомай кўя қолди.

Кўз олдига болалик дамлари келди. Уша кезлари у кун бўйи анҳор четида Оъсуда билан бирга ўйнар, кечкурунлари эса қизчанинг дўмоқ қўлчаларидан тутиб уйига етаклаб қайтарди. Аммо, кўпинча лабига ситарета кистириб, дадасининг эски шляпасини қийиш қийиб олган Қосим уларнинг изидан таъқиб қилиб қоларди. Баззан эса: «Ҳой, мишиқи бу ерларда иккинчи қорангни кўрмай» дея ўлағайларди. Ордан йиллар ўтди. Мардон билан Оъсуда мактабга бирга боришди. Ёши улғайиб, оқ-қорани таний бошлаган Мардон, ўша кезлари ҳам Қосимнинг Оъсудага «бошқача қарашини» биларди. Шу орада Қосим мактабни биттириб уйландию икки ой ўтар-ўтмас хотини билан ажрашди. Шундан сўнг ичишга, чекишга муккасидан кетди. Олдинма-кетин Мардон билан Оъсуда ҳам

мактабни тугатишди. Шу йили Мардоннинг катта холаси Ойсанамнинг эри қазо қилдию у Булоқбошига — ҳашарга кетди. Қўшни қишлоқдан роппа-роса олти ой деганда келди... Йигитнинг бошида турфа хаёллар чарх урарди... Наҳотки, Қосим хотини билан Оъсуда сабабли ажрашган бўлса?! Нима учун у ҳамма гапларни орта ташлаб юраверини керак? Йўқ! Мардон алданиб қолишни, кейин эса бутун умрини руҳий қийноқлар исканжасида ўтказишни истамайди. «Мастлик — ростлик» дейишади. Бунинг тағига етиш, аниқлаштириш керак!

Мардон беихтиёр Қосимнинг қўли-

гим билан ишинг бўлмасин, саволимга жавоб бер аввал.

Кутилмаган тўхматдан довдираб қолган қиз йиғлаб юборди. Мардон бунинг «ўзича» тушунди шекилли, унинг юзига тарсаки тортиб юборди. Оъсуда ўзини ўнглаб олдию Мардонга тикилди. Йўқ! Бир вақтлар унга ёқимли табассум ҳаля этадиган юз-қўзларда ғазаб чўғи порларди. Қизнинг қулоқлари ҳеч нимани эшитмай қолди. Фақат ўзининг катта кўчада югуриб кетаётганини, орқасидан ҳалослаб чопиб келаётган Мардоннинг ножоиз сўкишларини, бутун маҳаллани бошига кўтариб бақираётганини сезиб борарди. У шу ҳолатда қандай қилиб уйга келиб қолганини ҳам сезмай қолди. Шошапиша дарвозадан кирдию эшикни ичкаридан тамбалади. Кўркув ва нафрат туйғулари устун келганиданми ё нафасини ростлаш учунми, бир зум туриб қолди. Қизнинг қўзларига дунё тор кўрунар, шу топда жонига қасд қилиб қўйиши ҳам мумкин эди.

Ташқарида эса Мардон тинимсиз дарвозани тепкилар, оғзидан боди кириб, шоди чиқарди. Астасекин маҳалла-қўйдагиларнинг уй чироқлари ёнди. Учта давангирдай йигит уй ичидан чопиб чиқдию сингиллари

кўркувдан қалт-қалт титраётганини кўриб, ҳеч нарсатга тушунмай довдираб қолишди...

Масала ойдинлашгач, ғазаб отига минган, уч ака-ука Мардонни ўртага олиб калтаклай бошлади. Кучлар нисбати тенг бўлмаса-да, Мардон ҳам бўш келмасди. Оъсуда нима қиларини билмай қолди. Қизнинг Мардонга раҳми келди. Қандайдир куч, уни бўлиб ўтган гина-қудуратларни унуттишга ундади. Оъсуда йиғлаб-сиқтаб акаларининг қўлларига ёпишар, аммо улар нозик қўлларни силтаб ташлаб олишувни давом эттирарди. Шу пайт Жамшиднинг (Оъсуданинг катта акаси) эсига ёнида осиб юрадиган пичоғи тушиб қолди... У ўзини ўнглай олмаётган Мардоннинг кўкрагига уч-тўрт марта пичоқ санчи. Оъсуда уй ичиде тушаётган ёруғлик шуъласида акасининг қўлидаги қонга ботган пичоғини кўрдию даҳшатдан доллаб юборди. Мардон эса ерда чўкка тушганича хироллар, унинг жон талвасасидаги ҳолати янгли манзара касб этганди. Кўп ўтмай маҳалла-қўйнинг одамлари шу ерга тўпланишди...

Эртаси кун эрталаб Рамазон аканинг (Мардоннинг отаси) хонадонидан муштитлар онанинг мунгли йиғиси, аламли фарёди кўкка ўрлади. «Уч оғайни қарҳамонларнинг эса, кўтга кишан ўрди. Эс-хушидан, бутун борлиги — Мардон акасидан айро бўлган Оъсуда, кун бўйи кўчаларни телбанамо айлиниб юрадиган бўлиб қолди...

Хидирали ПАНЖИЕВ

Шурчиш горраҳаларида
ЗУМАТ ҚАЗИРИДАГИ
ФОЖЕА

Туман марказидан келган эстрада гуруҳи кўнгилни қитиклайдиган, шўх ашулалар билан, даврани қизитади. Қишлоқнинг бўз йигитлари кўзлари суюк, нозикбел «ракқоса»нинг хиромидан сармаст. Икки ёшни табриклаш учун тўйга келган меҳмонлар бирин-кетин сўз навати олишади. Базмини бошқариб турган «шоир» йигит, қочирлиқи шеърлар айтиб қизларнинг юрагига гўлгула солади.

дан вино шишасини тортиб олдию, унинг қолганини ҳам ичиб қўйди. Ҳовлиннинг дарвоза билан ёндош томонига учиб кетаётган шиша деворнинг бетон пойлеворига урилди. Шовқин-сурон, боз устига «хушовоз эстрада хонандасининг» гулгун қўшиқлари овози, унинг «қарс»иллаб, чил-чил синганини билдирмади...

Базмдан сўнг йигит билан қиз белгиланган жойда учрашди. Мардоннинг келишган қомаги, кенг елкалари, қоронғилик қаърида Оъсудага қандайдир ҳузурбахш кайфият, масрур туйғулар ҳаля этганди. Аммо, ундаги тундликни кўрдию, ҳайрати ошди:

— Мардон ака, нимадандир хафасиз, қовоғингиз негадир солиғ?! Нима бўлди?

Оъсуда эркаланиб бошини Мардоннинг елкасига қўймоқчи бўлди-ю бирдан сесканиб тушди.

— Ичбисими дейман?!

— Ҳа, ичдим...

Қизнинг сочидан тирноғигача жимирлаб кетди. Негаки у Мардон акасини бундай ахволда биринчи марта учратиши эди.

— Нега, ичасиз. Нима етишмаяпти сизга?!

— Қосим билан қандай алоқанг бор?

— Нима-а?!

— Қосим билан қандай алоқанг бор, деяпман?

— Ҳеч қандай алоқам йўқ. Нималар депмак, Мардон ака? Нега ичдингиз?

— Ўчир!!! Менинг ичиш-ичмасли-

Спорт

Байрамга

муносиб совға

Мирзо Улугбек туманидаги Файзулла Хўжаев номи маҳаллада айни кунларда бунёдкорлик ишлари авжида. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг туман бўлими, туман ҳокимлиги, Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг туман бўлими, ҳомий ташкилотлар «Ўзбеккабель» ва «ТТЗ» корхоналари ҳамкорликларида ўтган йили қурилиши бошланган замонавий спорт мажмуаси нафақат маҳалла болаларига, балки туман ёшларига ажойиб бонус бўлади. Чунки Файзулла Хўжаев маҳалласида истиқомат қилаётган 9 минг аҳолининг 2 минг нафари ёшлар ва болалар эканлигини инобатга олганда 50 сотих майдонга қурилатган спорт масканида баскетбол, волейбол тўғарақлари ташкил этилиши мўлжалланмоқда. Кувонарлиси шундаки, замонавий услубда қад ростлаётган спорт мажмуида ошхона, дам олиш, ювиниш хоналари ҳам бор. Истиқлол байрамининг 12 йиллиги тантаналари арафасида фойдаланишга топширилиши мўлжалланаётган ана шу иншоотда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари ва туман ёшлари спортнинг бир неча турлари билан шуғулланиш имконига эга бўладилар.

**Полвонлар
гиламга
тушишди**

Шаҳримиздаги «Жар» спорт мажмуида Аҳмад полвон хотири учун белбөели кураш буйича турнир ташкил этилди. Тошкент шаҳри ва бошқа вилоятлар полвонлари иштирок этган баҳслар учта вазн тоифасида бўлиб ўтди. Ўз вазнларида турнир ғолиблигини қўлга киритган Алишер Каримов, Улугбек Маманов, Шавкат Омонуллаевларга мутасаддилар совринлари ҳамда эсдалик совғалари тўхфа этилди.

**Спорт синфлари
ташкил этилади**

Миробод туман ҳокимлиги, туман халқ таълими бўлими, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг туман бўлими ҳамкорликларида Миробод туманидаги 6 та мактабда замонавий спорт заллари бунёд этилмоқда. Қизиги, ана шу мактабларда иккиталан спорт синфлари ташкил этилади.

Акбар Йўлдошев

Жорий йилнинг «Обод маҳалла» йили деб эълон қилиниши ва Болалар спортини оммавий спортга, уни ривожлантиришни оммавий ҳаракатга айлантириш борасида кенг кўламдаги саъй-ҳаракатлар амалга оширилаётгани муносибати билан Тошкент шаҳри ҳудудидаги маҳаллаларда фаолият кўрсатаётган маҳалла фуқаролар йиғини Кенгаши, проффиликта инспекторлари, «Маҳалла посбони» жамоат тузилмалари ҳамкорлигини янада ошириш, маҳаллаларда истиқомат қилаётган вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олдини олиш, маҳалла болаларининг ёзги таътил пайтида бўш вақтларини мазмунли ўтказиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими ташаббуси билан «Маҳалла ёшлари тарбиячиси» маркази иштирокида «Кўчма

Қизиқарли мусобақалар

оммавий спорт» гуруҳи ташкил этилган эди.

«Кўчма оммавий спорт» гуруҳининг асосий мақсади, Тошкент шаҳри ҳудудидаги маҳаллаларда турли тадбирларни ўтказиш билан бир қаторда, оммавий спорт турларини тарғиб этиш йўли билан маҳаллаларда имкон борида спорт тўғарақларини ташкил этишдан иборатдир.


Ҳамза туманидаги «Бинокор» маҳалласида жойлашган оммавий спорт мусобақалари бўлиб ўтди. Унда Муқимий, Жалол Шаҳбозов, «Бинокор», Зебо Шамсуддинова, «Ўрта масжид» маҳаллаларида истиқомат қилаётган вояга етмаганлар ва ёшлар ўз маҳаллаларининг педагог тарбиячилари Ш.Қаюмова, Р.Удаева, Р.Юнусова, Ж.Самадовлар билан биргаликда иштирок этишди. Улар спортнинг футбол, арқон тортиш, шашка, шахмат, кувноқ эстафета,

бадминтон, сузиш, теннис турлари буйича куч синаштирдилар. Мусобақа ниҳоятда ҳаяжонли ва таассуротларга бой бўлди.

Ғолиблар «Камолот» ЁИХ Ҳамза туман бўлими томонидан Фахрий ёрликлар билан тақдирландилар. Ушбу ўтқа

зилган спорт ўйинида Муқимий маҳалласи болалари ўзларининг фаол иштироклари билан ажралиб турдилар.

Шоира МУҲАМЕДОВА
СУРАТЛАРДА: 206-мактабда бўлиб ўтган оммавий спорт мусобақасидан лавҳа.



БИР ЧИМДИМ ҚАҲ-ҚАҲ

— Болалар ўн-ўн икки ёшга чиққанда ҳам эмаклашиши мумкинми?

— Мумкин. Тўйхонада рақс тушаётганлар устидан пул сочилган вақтда.

— Йигирма йилдан бери инасан, ароқ жонинга тегмадимми?

— Нега тегар экан? Ароқ хотинимидики, жонимга тегса.

— Баъзи бир сотувчиларга маза-да, умр бўйи бош кийим харид қилишмайди.

— Нега ундай деясан?

— Чунки, сотган молининг нархи устидан «шапкаси» бор.

— Қароқчининг ўғридан фарқи нимада?

— Ўғрини ўғри «урса» энди у қароқчи бўлади.

— Менда тўртта кўз бор.

— Ёлгон ҳам эви билан-да.

— Ёлгоннинг нимаси? Иккитаси ўзиники, иккитаси тиззамини кўзи.

Физика ўқитувчиси ўқувчидан сўради.

— Эриш нима?

— Бирор-бир ютук ёки мукофотни ювиш — эриш дейилади.

Адабиёт ўқитувчиси кўнги-роқдан тейин синф эшиги олдида тўсатдан пайдо бўлган ўқувчидан сўради.

— Осмондан тушдингми?

— Мехнатдан.

— Нега ҳозирги ёшларнинг кўпчилиги классик куй ва ашулаларга рақс тушишни билмайди?

— Чунки классик куй ва ашулаларга зикр тушиш пахсага лой тепиш, сувоқчилик қилиш, мева узилш ва работ бўлиш мумкин эмас-да.

— Янги йилнинг кириб келаётгани кўп яхши бўлди-да.

— Нима учун?

— Қилган гуноҳларим эски йилда қолиб кетади.

**Зевоник сирлари
ОРАСТА БЎЛАЙ
ДЕСАНГИЗ...**

Гўзал хусн эгаси бўлиш учун сунъий кимёвий воситаларнинг аҳамияти катта. Аммо бу борада табиий воситалардан ҳам унумли фойдаланиш мумкин. Қуйида ана шундай усуллар ҳусусида сўз юратамиз.

Бодрингли ниқоб чарчаган юз терисини тетиклаштириш ва майинлаштириш учун тайёрланади. Бодрингни пўстидан тозалаб, уни муолажага тайёрланган юзга суртиш керак. Ёки бодринг сувидан икки қошиқда олиб доқадан ўтказиб, унга битта тухум оқини аралаштириб ҳам фойдаланиш мумкин.

САБЗИЛИ НИҚОБ

Хуснбузар тошган консиз ва ёғли юз терисига мўлжалланган. Сабзини киргичдан ўтказиб, ҳосил бўлган бўтқа юзга суртилади. Агар тайёр аралашмага майдаланган олма қўшилса, ниқоб яна ҳам терини майинлаштиради.

**КАРТОШКАЛИ
НИҚОБ**

Янги картошкани қайнатиб сут билан аралаштириб қўйилгач фойдаланилади. У чарчоқни ёзиб, юздаги ажинларни ўқотади.

**ЮЗ УЧУН ЁҒЛИ
МУОЛАЖА**

Юз терисини ва буйинга зигир ёғидан суртиб, сўнгра тухум саригидан, яна зигир ёғидан суртилади. Бармоқларнинг айланма ҳаракати билан тери уқланади. Агар ҳаракат давомида ниқоб қуриб қолса яна шу воситани олиб суртиш мумкин. Бор-йўғи ўн дақиқа вақтингизни оладиган муолажадан кейин илиқ сувга ботирилган пахта ёки доқа билан ниқобни артиб олиб, юзингизни совиқ сувда чарсиз.



Абдурасул Ҳакимов чизган расм.

Гафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғи жамоаси боғ раҳбари Баҳодир Султоновга опаси, техника хавфсизлиги муҳандиси Ҳамидулла Тиллаевга рафикаси **Вазира ТИЛЛАЕВ**нинг вафот этганлиги муносибати билан чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.

Маданият ходимлари касабга уюшмаси Тошкент шаҳар кўмитаси касабга уюшмаси шаҳар кўмитасининг аъзоси, Гафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғи директори Баҳодир Султоновга опаси **Вазира ТИЛЛАЕВ**нинг вафот этганлиги муносибати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Йўлдош Охунбоев номи Республика тиббиёт коллежи жамоаси коллеж ўқитувчиси Исом Турасовни Хусановга хотини **Дурдона ХУСАНОВА**нинг вафот этганлиги муносибати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқаро «Наврўз» хайрия жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими жамоаси халқаро «Наврўз» хайрия жамғармаси раисининг биринчи ўринбосари, жамғарма Тошкент шаҳар бўлимининг раиси Калон Шодиевга акаси, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маҳаллий саноят ходими **Бақо ШОДИЕВ**нинг вафот этганлиги муносибати билан чуқур таъзия изҳор этади.



**Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ**

Манзилимиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОННАР:

хатлар — 133-29-70;
эълонлар:
133-28-95, 132-11-39;
факс: (3712) 133-21-56;
Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида
босилади.
3871 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-3

**Душанба, сешанба, chorshanba,
пайшанба ва жума
кунлари чикади.**
Навр кўрсаткичи — 563

Газета Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида 19-вақон билан рўйхатга олинган

Нашири етказиб бериш масаллари буйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почтамтига» — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишнинг мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона мажлиси «Буж Турон» кўчаси, 41-уй.